

Жуманиёзов Санжар
декан
Хоразм вилояти юридик техникуми

Матякубов Бекзод
ўритувчи
Зоразм вилояти юридик техникуми

ЁШЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҒУРУР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАНING ЎРНИ

Ўзбек халқи ўзининг неча минг йиллик тарихига эга. Ҳар қандай миллат ўз тарихи давомида ўзининг аждодлари қандай инсон бўлганини, уларнинг яшаш тарзини билмоғи ва шу билан бирга тарихий меросини ҳам авайлаб асрамоғи керак.

Оила - тарбия тизимидаги шундай бўғинки, бутун жамиятнинг, миллатнинг бугунги ва келажак ҳаёти уни қандай ташкил этилишига, ундаги мавжуд ижтимоий-маънавий муҳитга боғлиқ. Ёшларни миллий ғурур руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Умуман, ҳар қандай инсоннинг асосий хусусиятлари, аввало оилада шаклланади. Шунинг учун Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлагандек, “Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, онадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур” [1, 281-6].

Оила ҳар бир жамиятнинг асос-негизи бўлиб, ёшларимизда инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ахлоқийлик, ватанпарварлик ва шу каби юксак туйғулар аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Ўзбек халқининг энг қадимий даврлардан бошлаб ҳозирга қадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган ажойиб анъаналаридан бири ота-онани юксак даражада эъзозлаш, иззат-икромини, ҳурматини жойига қўйишдан иборатдир. Фарзанд учун дунёда ота-онадан кўра меҳрибон, азиз ва мўътабар зот йўқ. Ота-она фарзандларнинг суянчиғи, битмас-туганмас бойлигидир. Уларнинг табиат ато этган бойликлари ҳам ана шунда. Ўзбек халқи одоб-ахлоқи бўйича, кексаларнинг, ота-онанинг олдидан салом бермасдан ўтиш гуноҳ ҳисобланади. Ота-онани қадрлаш, уларнинг беўлчов, беминнат хизматиға бир умр содиқ бўлиш, дуоларини олиш - болаларнинг фарзандлик бурчидир. Албатта, ота-она ҳам ҳар бир қилган иши билан ўз фарзандига намуна бўла олиши керак. Ҳадисларда ота-онани ҳурмат қилишнинг улуғворлиги ҳақида шундай ибратли фикрлар баён этилган: «Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Оллоҳ таоло унга жаннатдан иккита эшик очади. Агар улардан биттасини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини хафа қилса, уни рози қилмагунча, Оллоҳ таоло ундан рози бўлмайди», «Ота-онага итоат қилиш - тангрига итоат қилишдир. Ҳадислардан яна бирида ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар ҳақида шундай фикрлар баён этилади: «Уч тоифа кишиларнинг дуоси, ҳеч шубҳасиз, Оллоҳ таоло қошида мақбулдир: мазлум кишининг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг дуоси».

Бундай ўзбек миллатига ҳос бўлган анъаналар албатта фарзандларимизни ёшлигиданоқ миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбияланишида замни бўлиб ҳисобланади.

Тан олишимиз керакки, шўролар даврида кексаларни, ота-оналарни ҳурмат қилиш ҳақидаги миллий қадриятларимиз бироз хира торта бошлади. Баъзи ёшларимизда ўзларидан катталарни, нуроний қарияларни ҳурмат қилиш, уларнинг насиҳатларига кулоқ солиш сингари юксак маънавий фазилатлар йўқолиб кетаётгани сезилмоқда эди. Эҳтимол, бошқа миллат кишилари бунга унчалик эътибор беришмас, лекин биз, ўзбеклар бунинг ҳис қилмай иложимиз йўқ.

Оиладаги соғлом муҳит - соғлом мафқурани шакллантириш манбаи, жамиятда ҳар бир оиланинг мутаҳкамлиги, фаровонлигини, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш - миллий мафқурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади”

[2, 400-6].

“Шарқда қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Оила соғлом ва мустаҳкам бўлсагина, бундай

оилалардан юрт, маҳалла мустаҳкамлигини қўриқловчи, унинг осойишта ва барқарорлигини таъминловчи ёшлар улғайиб, камолга етади.”

Албатта, ёшларимизни миллий ғурур, ифтихор руҳида тарбиялашдан кўзланган асосий мақсад - “Ватан” деган муқаддас туйғуни дилдан ҳис этиш ва у ни чин юракдан асраб-авайлаб ҳимоялашдан иборатдир.

Мамлакатимизда содир бўлаётган йирик ижтимоий ўзгаришларни янада жадаллаштириш- моқ, ёшларнинг бундай инқилобий ўзгаришларда иштирокларини фаоллаштириш учун, энг аввало, уларнинг онгида туб сифатий бурилиш ясамоқ зарур. Чунки, фарзандларимизнинг гўдаклик чоғидан каттайгани сайин тафаккур доираси қанчалик кенгайиб борса, жамиятда, жамоада, оилада тутган ўрнини янада аниқроқ билади. Бундай мураккаб ижтимоий жараёнлар ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлмоқ учун уларни психологик онгини таҳлил қилмоқ даркор. Шу маънода бу маъсулиятни ҳис этган ҳолда фарзанд тарбиясида ота-оналар қуйидаги 5 та хатоликка йўл қўймаслиги мақсадга мувофиқдир:

Биринчи хато: “Сени яхши кўрмайман”. Нега фарзандларимиз ҳар бир илтимосимизни муаммога айлантиришади, қўрқитиш шартмикан, бундай дейиш орқали тарбиясини тўғри тарафга йўналтира оламизми? Ана шундай пайтларда кўпгина оилаларда ота-оналар “Ойижонинг энди сени яхши кўрмайди”, “Отанг сени ёқтирмайди” иборасидан қурол сифатида фойдаланишади. Яхшиси, “Мен сени ҳар доим яхши кўраман, лекин бу хатти- ҳаракатингни оқламайман”, деганимиз маъқул.

Иккинчи хато: “Бепарволик”. “Истаганингни қил, менга фарқи йўқ”, “Нима қилишни ўзинг биласан, мени ишим йўқ” каби тушунчалар албатта ўсиб келаётган ёш авлодни нотўғри йўлдан кетишига сабаб бўлиши мумкин. Оиладаги тартиб-қоидага асосан ҳеч қачон фарзандларимизнинг қизиқиш ва машғулотларига бепарқлигимизни кўрсатмаслигимиз керак. Агар фарзандимизнинг хатти-ҳаракатлариганисбатан эътирозимиз бўлса: “Болажоним, манна бу масалада сен билан чиқиша олмайман. Лекин мен истаган пайтингда ёрдам бераман, чунки, сени яхши кўраман” - деб айтсак тўғри йўл тутган бўлардик.

Учинчи хато: “Ута қаттиққўллик”. Баъзи оилаларда эшитиб қоламиз, “Ҳар бир ишни мен айтгандек қилишинг керак”, “Бу уйда фақат менинг деганим бўлади” каби сўзларни эшитамиз. Фарзандларимизда шундай туйғуни шакллантиришимиз керакки, улар ўзларининг ҳар бир қилган хатти-ҳаракатини онгли равишда қилишлари ва бунинг учун жавобгар эканликларини ҳам билишлари керак. Ишонтириш ва тушинтириш орқали тўғри етказиб бериш қаттиққўлликдан яхши.

Тўртинчи хато: “Эркатоӣ”. “Яхшиси буни ўзим қиламан”, “Болажоним хали буни урдасидан чиқа олмайди”, “Кўп-кўп ухлаб дам олган, ишларни ўзим қиламан” ва шу каби сўзлар билан ёшларимиз онгида эркатоӣлик, дангасалик, иш ёқмаслик сингари салбий фазилатларни шаклланишига сабабчи бўлишимиз мумкин. Кўплаб тадқиқотлар натижасини шуни кўрсатадики, ҳаётда ҳеч нарсадан қийналмай ўсган фарзанд кейинчалик ҳаётга мослашиши жуда қийин бўлади. Албатта бундай ҳолларда “Ўзинг бажариб кўрчи, агар қийналсанг сенга ўзим ёрдам бераман”, дейиш ҳам мумкин.

Бешинчи хато: “Мажбурий сирдош”. Кўпчилик ота-оналар “Болам - менинг энг яхши дўстим, сирдошим”, “Болам мени жуда яхши тушинади, ҳуди катта одамлардек фикр юритади” сингари сўзлар билан фарзандларимизни ёшига муносиб бўлмаган маъсулияти катта, оғир ишлар ва вазифалар орқали уни ҳар хил муаммолар билан қийнаб қўйишимиз мумкин. Уларга вазифа бериш ва маслаҳат сўраб, маслаҳат олиш мумкин фақатгина ёшига доир масалалар бўйича, албатта.

Бошқача айтганимизда, ҳар бир йигит, ҳар бир қизда халқимиз, миллатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг ижобий ва салбий тамонларини ҳар тамонлама таҳлил қила билиши ва ундан тўғри хулоса чиқариб олға интилиши муҳим вазифадир. Ёшларда миллий ғурурни шаклланиши ўзи туғилиб ўсган, киндик қони томган қишлоқ ёки шаҳарни ота-боболари, ўтмиши, бугуни ва келажаги каби масалалари билан ҳам боғлиқ. Шундай экан, ёшларимизни ўтмишда яшаб ўтган буюк бобокалонларимиз фаолияти билан қизиқиш улар учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Буюк бобомиз хазрат Алишер Навоӣ айтганларидек, ота-онани ҳурмат қилиш «... фарзандлар учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам кам деб бил. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди! Икки дунёнг обод бўлишни истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол! Туну кунингга нур бериб турган - бирисини ой деб бил, иккинчисини қуёш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизиқдан ташқарига бир қадам ҳам босма. ҳамма хизматни сен одоб билан бажар, «адаб»

сўзидаги «дол» каби қоматингни ҳам қил».

Хулоса сифатида айтишим мумкинки, ҳеч бир юртда миллий ғурури бўлмаган кишининг шахсий ғурури бўлмайди. Ғурурини йўқотган миллат маънавий мажруҳ оломонга айланиб қолади. Лорашфуко таъкидлагандек - “Ғурур барчага ҳос хислат, аммо, фарқи шуки, уни қачон ва қаерда қўллашни билиш керак”. Ғурур инсонни тубанлашишдан асраб қолувчи энг муҳим фазилатдир. Худди шунинг учун мамлакатимизда инқилобий ижтимоий ўзгаришлар содир бўлаётган ҳозирги шароитда ёшларимизда миллий ғурурни ривожлантириш - инсонпарвар, демократии: жамият талабидир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. -Т.: Ўзбекистан. 2017. -Б. 281.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистан, 1998. -Б. 400.
3. Шермухамедова, Нигинахон. "Фалсафа." (2010).
4. Namazova, Yulduz. "National education system in the educational ideas of jadidism." *The Light of Islam* 2020.3 (2020): 47-57.
5. Нишанова, О. (2023). Моральные ценности и их роль в обществе . in *Library*, 7(1), 1-9. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/21923>